Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 13 ИЮНЬ, ДУШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 119 (13.182)

Баҳоси эркин нархда

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ўзбек халқи ҳақида сўз борганда, дунё аҳли аввало меҳнаткаш ва бунёдкор, тупроқдан олтин ундиришга қодир, мард ва ғурури баланд миллатни ўзига тасаввур этади. Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз ҳар қарич ерни эъзозлаб, ҳовли-жой, маҳалла-кўйни, бутун юртимизни обод этиб, сариштa тутишни ўзи учун эзгу қадрият деб ҳисоблайди.

Инсон ва табиат

ЛОЛА ДАРАХТИ

юртимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда



Кейинги йилларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган олижаноб даъват халқимизнинг қалбидан чуқур жой олиб, унинг яратувчиликка бўлган меҳри ва иштиёқини янада оширганига бугун ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу маънода, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори истиқлолга эришиб, ўзимизнинг ҳаққоний, тўғри йўлимизни танлаб олганимиз, шу асосда улкан ютуқларни қўлга киритганимиз, халқимизнинг тинчлик ва осойишталигини таъминлаб, буюк келажагимиз сари дадил қадам ташлаётганимизни яна бир бор тасдиқлаб берди. Ҳар бир юртдошимизнинг юрагига нақшланган “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган эзгу ғоя она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу табаррук заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бу ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини ўзида мужассам этади, албатта.

Барчамизга яхши аёнки, мустақиллик даврида халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари кенг кўламда намоён бўлиши учун улкан имконият яратилди. Ҳозирги кунда йирик шаҳарларимизда аҳолининг яшаши ва дам олиши учун қулай бўлган замонавий инфратузилма тармоқларини яратиш, боғ ва гулзорлар бунёд этиш, сув йўлларини кенгайтириш каби илғор шаҳарсозлик маданиятига хос хусусиятлар юксак даражада ривожланмоқда.

Бу борада икки минг йилдан ортиқ қадимий тарих ва бой маданиятга эга бўлган, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган ва қўшаётган Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини санашнинг ўзи анча вақтни олади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтганларидек, “Ватанимизнинг муқаддас остонаси, давлатимизнинг бош шаҳри – азим Тошкент билан барчамиз, бутун Ўзбекистон халқи ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, юртимизнинг келгуси тараққиётини бош шаҳримизнинг истиқболидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди”.

Маълумки, дунё жамоатчилиги азим пойтахтимизга турли даврларда турлича баҳо ва таърифлар берган. Масалан, “Тошкент – Шарқ дарвозаси”, “Тошкент – нон шаҳри”, “Тошкент – тинчлик ва дўстлик шаҳри”, “Тошкент – ислом маданияти пойтахти” деган эътирофларнинг замирида ҳар бир даврнинг ўзига хос руҳи уфуриб турибди. Бугунги кунда бу гўзал таърифлар қаторига “Тошкент – яшил пойтахт” деган таъриф қўшилса, ҳеч қандай хато бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Бу азим шаҳар истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг эътибори ва раҳнамолигида том маънода пойтахт шаҳарга, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимиз кўксида порлаган бебаҳо гавҳарга айланди. Бугунги кунда гўзал қиёфа ва тароват касб этган Тошкентимиз дунё пойтахтлари орасида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлган йирик мегаполисга айланди.

Буюк Британияда нашр этиладиган нуфузли “Экономист” журналининг 2015 йилда берган баҳоси кўҳна Шош бағрида олиб борилаётган миқёси ва кўлами жиҳатидан ғоят улкан бунёдкорлик ишларининг халқаро майдондаги яна бир юксак эътирофи бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ана шу журналнинг маълумотларига кўра, Тошкент дунё рейтингида ўзининг ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, мавзудан бироз чекиниб бўлса-да, давлатимиз байроғида яшил ранг акс этгани ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли бўлади. Негаки, азалдан халқимиз учун яшил ранг тинчлик ва хотиржамлик, ёшлик ва яшариш, бунёдкорлик ва тараққиёт рамзи ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш орқали юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизда тозаликни сақлаш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган кўплаб қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМЖИҲАТЛИК — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг бош мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш масаласига доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни замон руҳига уйғун ташкил этишда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур фармонда кўзда тутилган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг парламент, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, сиёсий партиялардаги ролини кучайтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат асосида барча маҳаллаларда жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ҳаётнинг пасту баландини яхши билган, миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини теран англайдиган, кўпчиликка ижобий таъсир ўтказа олиш салоҳиятига эга энг муносиб аёллар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан маҳаллаларда “Оилага кириш”, “Саломатлик”, “Бандлик”, “Таълим-тарбия”, “Жиноятчиликнинг олдини олиш” секторларининг фаолияти кенг йўлга қўйилди. Мазкур тузилмалар маҳаллалардаги комиссиялар, давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

– Шаҳримиздаги мавжуд 35 маҳаллада жамоат секторлари фаолияти йўлга қўйилган, – дейди ЎзА мухбирига Бекобод шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Дилдора Исмоилова. – Мазкур жамоат тузилмаларига яқиндан кўмак кўрсатилаётгани натижасида эрта никоҳларнинг олдини олиш, аёллар, битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, саломатликни муҳофазалаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш каби масалаларда тўғри ечим топилмоқда.

Ўқув-семинарда хотин-қизлар манфаатларига тааллуқли давлат дастурлари ижросини таъминлаш, бунда доимий таҳлил ва мониторинг олиб бориш, хотин-қизлар қўмиталарининг маҳаллалардаги жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини кучайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

ИСТИҚЛОЛ ВА ЭКСПОРТ — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК

Бундан 25-30 йиллар аввал одамлар орасида “Фалон дўконга импортний маҳсулот келибди”, деган гап тарқалса, бир зумда ўша дўкон ёнида турнақатор навбат пайдо бўлар ёхуд сотувчи товарни орқаворотдан танишбилишларига мўмайгина нархга пуллар эди. Чунки ўша йиллари аҳоли эҳтиёжи учун зарур нарсаларнинг аксарияти четдан келтириларди. Шу боис у хоҳ атторлик буюми бўлсин, хоҳ кийим-кечак, бундан қатъи назар, хориждан келтирилган ҳар бир маҳсулот ғоят қадрли ҳисобланарди. Шуларни ўйларканман, беихтиёр Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедиясидаги Фармонбибининг “Одамларга чет элники десанг, ҳатто хўрозқандниям ётиб олиб ялашади-я” деган кинояли сўзлари ёдимга тушади...

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг турмуш тарзи буткул ўзгарди. Бозорларимизда маҳсулот танқислигига чек қўйилиб, ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришдек улкан бахтга эришдик. Энг қувонарлиси, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар халқимизнинг эҳтиёжини тўла қондириш билан бирга, ташқи бозорларга ҳам чиқарилмоқда. Аввалларги тадбиркорларимизга ёт бўлган “экспорт” тушунчаси бугун миллий иқтисодиётимизда катта улушни эгаллайдиган даромад манбаларидан бирига айланди.

Илгари ҳатто оддий истеъмол товари ҳам танқис ҳисобланган бўлса, бугун ҳар қадамда учрайдиган дўконлар, бозору супермаркетлардаги, йирик савдо марказларидаги турфа хил ва ҳажмдаги маҳсулотларни кўриб, кўз қувонади. Айниқса, уларнинг қадоғидаги “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиққа кўзимиз тушса, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида ҳарбий хизматчилар оилалари учун 70 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

● Навоийда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг вилоят босқичида 10 нафар истеъдодли ёш баҳс юритди.

● Гулистон шаҳридаги 11-мактабгача таълим муассасасида Соғлом она ва бола йилига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Семинарда “Зумрадойлар давраси” тўгараги фаолияти ноанъанавий беллашув усулида намойиш этилди. Унда жажжи қизалоқлар инглиз ва ўзбек тилида шеърлар ўқиб, ўзларини таништирди. Тарбияланувчиларнинг ашула, рақс, спорт бўйича кўргазмали чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

● Андижонда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги “Саломатлик сектори” фаолиятини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида маҳалла ва тиббиёт муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига қуриб битказилган янги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Янги спорт мактаби фойдаланишга топширилиши билан 400 дан зиёд ўқувчини қамраб олган бокс, бадиий гимнастика, футбол, каратэ, миллий кураш каби спорт тўгараклари иш бошлади.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош котиби Шимолий Америкaнинг Орландо шаҳридаги тунги клубда амалга оширилиб, юздан ортиқ киши жабрланган террорчилик ҳаракатини кескин қоралади ва мамлакат халқига ҳамдардлик билдирди.

● Энг самарали смартфонлар номи маълум бўлди. Қизиғи шундаки, дунёга машҳур брендларга тегишли моделлар етакчилар қаторидан ўрин ололмаган. Рейтингда энг кучли, 6 гигабайтли оператив хотирага эга “Vivo Xplay 5 Elite”, “LeEco Max 2” ва “Lenovo ZUK Z2 Pro” дастлабки учликни эгаллаган. “Samsung Galaxy S7 Edge” бешинчи, “iPhone 6S” эса олтинчи бўлди.

● АҚШлик бир гуруҳ олимлар мис моддаси семиришнинг олдини олишда катта ёрдам беришини аниқлашди. Яъни, мис ёғ ҳужайраларини парчалайди ва организм учун зарур қувват олишда ҳал қилувчи роль ўйнаб, ортиқча вазнни бартараф этади. Айтиш жоизки, мис бирикмаси денгиз моллюскалари, сабзавотлар, қўзиқорин, данак, ёнғоқ ва дуккакли ўсимликларда мавжуд.

Инсон ва табиат







ЛОЛА ДАРАХТИ

юртимизнинг кўркига кўрк қўшмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биргина Тошкент шаҳрида кейинги йилларда 370 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди, 127 минг 500 дан зиёд кўчат экилди. 1990 йилда шаҳар ҳудудидаги кўкаламзор майдонлар 6 минг 800 гектарни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг ҳажми 2 баробардан зиёд кўпайиб, 15 минг 200 гектардан ошди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда шаҳарда ҳар бир кишига 70 квадрат метрга яқин яшил ҳудуд тўғри келмоқда. Пойтахтимиз ҳудудининг деярли қирқ фоизи дарахтлар билан қопланган. Ваҳоланки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг меъёрларига кўра, бу кўрсаткич умумий ҳудуднинг 15-20 фоизини ташкил этиши кифоя ҳисобланади.

Дунё бўйича қабул қилинган меъёрларга биноан, йирик шаҳарларда аҳоли жон бошига 50 квадрат метр кўкаламзорлаштирилган майдон тўғри келиши керак бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич, юқорида қайд этилганидек, қарийб 70 квадрат метрни ташкил этмоқда. Бугунги кунда Тошкентнинг кўкаламзорлаштириш даражаси дунёнинг Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл каби йирик шаҳарларидан икки-уч маротаба ортиқ экани азим пойтахтимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат беради.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларини энг замонавий услубларда, янгича сифат билан ободонлаштириш борасидаги амалий ишларнинг мантиқий давоми сифатида шаҳримизда сосна ва бошқа бир неча турдаги жаҳоннинг кўпгина мегаполисларига зеб ва чирой бериб турган, бизнинг иқлим ва табиатимизга мос манзарали дарахтлар кўплаб экилмоқда ва парваришланмоқда. Сўнгги йилларда шаҳримизда ўстирилаётган ҳар бир дарахт ва бутани, гул-чечакларни асраб-авайлаш борасида эзгу анъана шаклланиб, манзарали дарахтларнинг янги турлари кўпайтирилмоқда.

Эътиборга молик яна бир муҳим жиҳати шундаки, манзарали дарахт ва буталар ҳавони зарарли газлардан тозалайди, кислородни кўпайтириб, шаҳар атмосферасидаги чанг ва ғуборнинг 72 фоизини ушлаб қолиши мутахассислар томонидан аниқланган.

Кўча ва майдонларда, турар-жой мавзеларида соя-салқинни, микроиқлимни таъминлаб, иссиқ ҳароратни мўътадиллаштирадиган бундай дарахтлар санитария ва гигиена нуқтаи назаридан ҳам ўта муҳим вазифаларни бажаради. Масалан, айрим дарахт турлари ҳавода учиб юрадиган модда – фитонцидларни ажратади. Бу модда, ўз навбатида, ҳаводаги зарарли ва касаллик тарқатадиган бактерияларни бартараф этади.

Шу ўринда собиқ мустабид тузум даврида бу борадаги аҳвол қандай бўлганини бир эсга олайлик. Бошқа соҳаларда бўлгани каби Тошкент шаҳри ҳудудида қандай дарахт ва гуллар экиш масаласи ҳам фақат собиқ марказ томонидан ҳал қилинар эди. Айниқса, кўп қаватли уйлар атрофида бетартиб экиб ташланган, шохлари тарвақайлаб кетган чинорлару бақатеракларни кўз олдингизга келтиринг. Энди маълум бўлмоқдаки, бундай дарахтлар ўзидан инсон саломатлиги учун зарарли бўлган газларни чиқарар экан. Ажабланарли томони шундаки, иссиқ иқлим шароитида гуллаган пайтида одамга салбий таъсир кўрсатиб, аллергик касалликларни қўзғайдиган дарахт ва буталар экилган. Бу борада Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароити мутлақо ҳисобга олинмаган.

Мустақиллик инсонни, унинг қадри, шаъни ва ғурурини ҳар томонлама улуғлади, озод ва обод ҳаёт пойдеворини яратди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида бир-биридан гўзал ва кўркам истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонлар тобора кўпайиб бораётгани фикримизнинг далилидир. Бу боғларда сайр қилиб, гўзал хиёбонларни кезар эканмиз, дилимиз яйраб, кўзимиз қувонади.

Кейинги йилларда пойтахтимизда ландшафт дизайни талаблари асосида яшил майдонларни кенгайтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Яъни, ҳар бир туп дарахт ёки бута теварак-атрофдаги бино ва иншоотлар кўринишига уйғун ҳолда, яхлит, умумий ва узвий манзара касб этишига эътибор берилмоқда. Шаҳримизда барпо этилаётган боғ ва хиёбонлар ана шу талабларга тўла мос келмоқда. Айниқса, ноёб ва гўзал лола дарахти шаҳримизга алоҳида файзу тароват бағишлаб, кўпдан-кўп дарахтлар орасида ўзининг кўркамлиги билан ажралиб турганига барчамиз гувоҳмиз.

Ўзининг гўзаллиги, нафис шохлари ва гуллари билан кишини ҳайратга соладиган бу ноёб дарахт нафақат гуллаган даврида, балки бошқа пайтларда ҳам ниҳоятда жозибали кўринади. Унинг танаси кумушранг, шох ва бутоқлари дарахтнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, кишида ёрқин таассурот қолдиради.

Табиат мўъжизаси бўлмиш бу дарахтнинг новдалари кенг пирамидасимон ва шарсимон думалоқ шаклда ўсади, барглари орнаментал ҳаво ранг, яъни яшил тусда бўлади, кузда олтин рангда товланади. Барг ва гуллари лолани эслатгани сабабли бу нафис дарахт лола дарахти деб номланади. У бутун вегетация даврида ғоят чиройли ва сарвқомат бўлиб кўринади. Кишини ҳайратга соладиган яна бир жиҳати шундаки, унинг баландлиги 75 метрга, танасининг айланаси эса 10 метрга етиши мумкин.

Лола дарахти уруғдан ва қаламча йўли билан кўпайтирилади. Ёш ниҳоллар она дарахтдан икки йилдан сўнг ажратиб олинадиган новдалардан ўстирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу дарахт кўплаб шифобахш хусусиятларга эга. Пўстлоғининг дамламаси безгакни даволашда самарали восита сифатида қўлланиб келади. Унинг барги, пўстлоғи, ёш новдалари ва гулларида изохинолинлар оиласига мансуб бўлган алкалоидларнинг 26 та тури аниқланган.

Ажратиб олинган алкалоидларнинг аксарияти юрак-қон томир тизими ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиб, қон босимини пасайтиради, спазмолитик, йўталга (глауцин) ва микробларга қарши курашишда фаол қўлланади. Унинг яна кўплаб шифобахш хусусиятлари мавжуд.

Лола дарахтининг ёғочи енгил ва мустаҳкам бўлиб, унга ишлов бериш ва силлиқлаш осон. Ундан мусиқа асбоблари ва радиоприёмникларнинг кутисини ясаш учун мўлжалланган фанера ишлаб чиқаришда, дурадгорлик ва идишбоп ёғоч сифатида, шу билан бирга, бошқа мақсадларда ҳам кенг миқёсда фойдаланилади.

Яна бир ғаройиб хислати борки, лола дарахтидан ниҳоятда фойдали асал олинади. Бу асал жуда хушбўй, шифобахш бўлиб, мазали таъмга ҳам эга. Ушбу дарахт кўп миқдорда асал нектарига эга. Ҳисоб-китобларга қараганда, асаларилар битта лола дарахтидан 1 килограммдан ортиқ асал тўплайди.

Кези келганда мазкур дарахтга хос бўлган яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Лола дарахти ўсган хиёбонларда сайр қилиш киши кўнглига хотиржамлик ва осойишталик бағишлайди, асаб тизимини тинчлантиради, руҳиятни кўтаради. Узоқ умр кўрадиган ва кўпдан-кўп шифобахш ва фойдали хусусиятларга эга бўлган бу ноёб дарахт бизнинг иқлим шароитимизга мослашган. Боғбон ва миришкорларимиз томонидан унинг кўчатини кўпайтириш технологияси муваффақиятли ўзлаштирилган.

Ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий омил ва таянчи бўлган дарахтлар ҳаёт тимсоли, деб таърифланиши албатта бежиз эмас. Дарҳақиқат, мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бир гектар дарахтзор ҳавога 600 килограмм кислород тарқатади.

– Кейинги йилларда экилаётган манзарали лола дарахтлари шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бўлим мудири Ботир Ортиқхўжаев. – Лола дарахти тик ва баланд ўсиши билан ажралиб туради. Бу дарахт ўрта ҳисобда 400-500 йил умр кўради. Апрель-май ойларида гуллайди. Гуллари лола шаклида бўлади. Ўзидан ҳамиша хушбўй ҳид таратади. Бундан етти йил муқаддам, яъни 2009 йилдан бошлаб бу дарахт шаҳримиз хиёбонлари ва боғларига экилмоқда. Унинг кўчатларини кўпайтириш пойтахтимиздаги Ботаника боғи, Ўрмон хўжалиги, Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги, шунингдек, кўчат етиштиришга ихтисослашган хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилмоқда. 3-4 йиллик парваришдан сўнг, кўчатларнинг бўйи 1,8-2 метрга етгач, улар белгиланган жойларга ўтқазилади. Айни пайтда Мустақиллик майдони, "Ўзбекистон" Халқаро анжуманлар саройи, "Туркистон" саройининг олдидаги майдонлар, Хадра майдони, Анҳор бўйи, Ўзбекистон, Фурқат, Абай, Нукус, Абдулла Қодирий, Навоий кўчаларида кўкка бўй чўзиб турган лола дарахтлари ўз таровати билан ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг баҳри-дилини очмоқда. Яқинда Ўзбекистон, Фурқат, Абай кўчалари ёқасига яна қарийб беш юзта лола дарахти экилди. Бу ниҳоллар шаҳримиз иқлимига мослашиб, баравж ривожланмоқда.

Маълумки, манзарали дарахтларнинг нафақат кўрки, балки инсон саломатлиги учун фойдали экани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис шаҳримизда лола дарахти ва бошқа манзарали дарахтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, катта йўлларнинг четларидаги яшил ҳудуд ва дарахтзорлар кейинги вақтда тобора кўпайиб бораётган транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни тутиб, ҳавони тозалашда санитарлик вазифасини ўтамоқда. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида ўтган йилнинг ўзида ҳавога чиқарилаётган зарарли газ ва моддалар миқдори қарийб 9 минг тоннага камайган. Бу, ҳеч шубҳасиз, ана шундай саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

Бугун яшил либосга бурканган боғ ва хиёбонлар, кўча ва майдонларда ён-атрофга тароват бағишлаб турган лола дарахтлари мустақил Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг кўркига кўрк қўшмоқда. Улар пойтахт аҳлига ҳар томонлама маъқул келди, янгиланаётган, тобора гўзал ва фаровон бўлиб бораётган янгича ҳаётимизга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди, десак, кўпчилик бу фикрга қўшилади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон – қадим-қадимдан лолалар диёри ҳисобланади. Ҳозирда нафақат тоғ ва адирларимизда, балки замонавий қиёфага эга бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам вафо ва садоқат, латофат ва нафосат тимсоли бўлган бу ажойиб гулнинг кўплаб турлари гуркираб ўсаётганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, беқиёс табиатга эга бўлган жонажон юртимизда лола дарахтининг кўпайтирилаётгани Ватанимизнинг янада обод бўлиб бораётганидан далолат беради. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, табиатнинг ноёб мўъжизаси бўлмиш лола дарахти халқимизнинг саломатлиги, юртимизнинг гўзаллиги, атроф-муҳитнинг мусаффолиги, хусусан, одамларимизнинг умри узайиши учун беминнат хизмат қилмоқда.

Рустамжон АЛЛАБЕРДИЕВ,
биология фанлари номзоди

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида давлат бошқарувини модернизациялаш ва жамиятни демократлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов, парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, "Uzinfokom" маркази директори ўринбосари Н.Далибоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий ахборот тизимини ривожлантириш, барча соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 10 июндан кучга кирган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

"Электрон ҳукумат" тизимининг жорий этилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамиятда ахборот алмашишни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтлари тобора такомиллашмоқда. Бу аҳолининг тезкор, аниқ электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятини оширмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига "бир дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш марказлари ташкил этилгани, солиқ ва статистика ҳисоботларини электрон тарзда топшириш йўлга қўйилгани тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматлари кўрсатиш амалиёти самараларига оид маърузалар тингланди.

РАДИОЛОГИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимизда радиология мактаби машғулотлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика радиологлар уюшмаси ва Европа радиология мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлар, Греция, Швейцария, Россиядан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси радиологлар уюшмаси раиси М.Ҳожибеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялашга йўналтирилган ислоҳотлар инсон саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофазалашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги изчил чора-тадбирлар кўлами янада кенгаймоқда.

Замонавий радиологиянинг муҳим ютуғи бўлган ультратовуш ташхис аппарати, рақамли рентген ва флюорограф, компьютер ва магнит резонанс томограф, мультиспирал компьютер томограф, ангиокардиограф каби янги технологияларнинг тиббиёт амалиётига кириб келиши касалликларга эрта босқичда ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашда юксак самаралар бераётир.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари, жумладан, бирламчи шифо масканларида ушбу тиббий-диагностика воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида туман ва вилоят шифохоналари энг замонавий ускуналар билан жиҳозланаётир.

Айни вақтда олим ва шифокорларимиз бундай асбоб-ускуналардан кенг фойдаланиш, хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларига бағишланган илмий изланишларни изчил давом эттирмоқда. Юрак, қон-томир касалликларида ультратовуш диагностикасидан кенг фойдаланиш усуллари, хасталикларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашда диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ва даволашга йўналтирилган лойиҳалар шулар жумласидандир.

– Ўзбекистонда радиология юксак тараққий этган соҳалардан биридир, – дейди ЎзА мухбирига грециялик мутахассис Николас Гуртцояннис. – Жаҳон тиббиётининг энг илғор технологиялари мамлакатингиз соғлиқни сақлаш соҳасига кенг татбиқ этилмоқда. Бу борада шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида эришилаётган ютуқлар эътиборга сазовордир. Ўзбекистон шифокорлари янги тиббий технологиялардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда радиология илм-фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тадбирда қорин бўшлиғи, ўпка ва юрак касалликларини эрта босқичда аниқлашда радиология ютуқларидан самарали фойдаланиш, бу йўналишда илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА

ИСТИҚЛОЛ ВА ЭКСПОРТ – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётган жаҳондаги саноқли давлатлардан бирига айланди. Мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўрни муттасил кенгаймоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг турли ҳудудларига экспорт қилинмоқда. Мустабид тузум даврида асосан пахта етиштириш орқали кун кўрган Ўзбекистон бугун жаҳон бозорига кийим-кечакдан тортиб озиқ-овқат маҳсулотларигача, қурилиш ашёларию автомобилдан мураккаб технологик маҳсулотларгача – деярли барча турдаги товарларни чиқармоқда. Миллий маҳсулотларимиз юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан ҳар қандай диди нозик истеъмолчига ҳам маъқул келмоқда.

– Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги улкан салоҳияти мамлакатингизнинг экспорт борасидаги имкониятлари катта эканидан, юртингиз билан ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканидан далолат беради, – дейди Хитойнинг Цзяоцзо шаҳри савдо ташкилоти раисининг ўринбосари Фу Шиао Вен. – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати, бежирим дизайни ва халқаро талабларга тўла мослиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, 2015 йилда мамлакатимиздан экспорт қилинган жами маҳсулотларда хизматлар 24,5 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари – 10,2, қора ва рангли металл – 6,4, пахта толасининг улуши – 5,7, кимё саноати маҳсулотлари – 4,8 фоизни ташкил этган. Айни пайтда мамлакатимиз экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани юртимиз саноати салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Қувонарлиси, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Бундай муваффақиятларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан саноатни изчил ривожлантириш, иқтисодиётда унинг асосий тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган бекиёс ишлар ана шундай юксак самаралар бераётир. Зеро, бу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар пировардида хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритишга қизиқиши ортиб боришига, мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга ишончининг кучайишига хизмат қилаётир. Мамлакатимизда чет эллик инвесторлар билан тузилган қўшма корхоналар йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. “East Butterfly”, “Novopharma Plus”, “Global Komsco Daewoo”, “Uztex-Toshkent”, “Agromir” ва бошқа қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

– 2012 йилда ташкил этилган корхонамиз барча мавсумга мўлжалланган пойабзаллар ишлаб чиқариш билан шуғулланади, – дейди “Khanabad-Seul” Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси раҳбари Азамат Тўхтасинов. – Бежирим ва кўркам дизайнли, сифати халқаро андозаларга мос маҳсулотларимизга талаб ошиб бормоқда. Бу маҳсулот турларини кўпайтиришни талаб этмоқда. Айни пайтда маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича қатор мамлакатлар билан музокаралар олиб боряпмиз. Пойабзал ишлаб чиқаришда унинг сифатига ва дизайнига алоҳида эътибор қаратамиз. Миллий ва замонавий руҳ уйғунлигида тайёрланган пойабзалларимиз кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини жалб этиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш, айни пайтда замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда маҳсулотларнинг юксак сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш, экспорт кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бунинг амалий самарасини Тошкент вилоятида Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган “Hi-Tech Kabel” қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда илғор технологиялар асосида паст ва юқори кучланишли электр тармоқлари учун ишлатиладиган кабель-симлар, жумладан, кучланиши 35 киловаттгача тенг бўлган тўқимали полиэтилен қобиқли кучли ток кабеллари, оптик-толали, назорат кабеллари, турли ўтказгичлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришда “Rosendahl” (Австрия), “Troester”, “High-Volt” (Германия), “Samp” (Италия), “Nokia” (Финляндия), “Caballe” (Испания), “Well Gain Cable Systems” (Хитой) каби жаҳоннинг нуфузли компанияларининг юқори технологияли ускуналаридан фойдаланилади.

Маҳсулот тайёрлашда энергияни тежайдиган қурилмалардан фойдаланилаётгани меҳнат самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, маҳсулот сифатини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва маҳсулот турининг кўпайиши экспорт ҳажмининг ўсишини таъминламоқда. Айни пайтда корхона маҳсулотлари Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Туркия, Грузия каби мамлакатлардаги буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

2015 йилда корхонада 45 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 50 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

– Президентимиз раҳнамолигида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эркин ва самарали фаолият юритишимизда муҳим омил бўлмоқда, – дейди “Hi-Tech Kabel” масъулияти чекланган жамияти тижорат директори Азизжон Усмонов. – Корхонамизда технологик жараённи муттасил такомиллаштириш ва янги технологияларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилади. Мижозларимиз сафида турли нуфузли ташкилотлар ва компаниялар борлиги бизни қувонтиради. Жамоамиз келгусида нафақат Ўзбекистонда, балки минтақамизда ишлаб чиқариш ҳали йўлга қўйилмаган ва талаб ўсиб бораётган юқори технологияли кабелларни тайёрлашни ва экспортини янада кенгайтиришни мақсад қилган.

Мамлакатимизда барпо этилган “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” индустриал-иқтисодий зоналари бу борада улкан ютуқларга эришиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ташкил этиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта ҳисса қўшаётир.

Мамлакатимиз корхоналарини экспорт фаолиятига янада кенг жалб этиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш, миллий маҳсулотлар экспорти салоҳиятини юксалтириш ва жўғрофиясини кенгайтиришда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг алоҳида ўрни бор. Мазкур жамғарма тадбиркорларнинг турли хорижий мамлакатларда ўтказилаётган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, чет элдан ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, қисқаси, уларнинг ўз маҳсулотларини экспорт қилишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Куни кеча Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида очилган “Мебель ва интерьер” халқаро кўргазмасида бир гуруҳ ишбилармонларимиз ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

– Яратилаётган кенг ва қулай имкониятлар туфайли илгари тасаввур ҳам қилолмаган бахтга эришдик, – маҳсулотимизни ўзимиз экспорт қилмоқдамиз, – дейди “Ixlos Mebel” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зуҳриддин Нуриддинов. – Мазкур халқаро кўргазма ҳам бу борада бизга янги ҳамкорлар топишда қўл келади. Бу борада бизга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Бундай имкониятлар жаҳон бозорларига маҳсулотимизни олиб чиқишимиз, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли келишувларга эришишимизга замин яратмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини ҳам тубдан диверсификация қилиш имконини берди. Ўзбекистон қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиради ва экспорт қиладиган етакчи мамлакатга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон умумий қиймати беш миллиард долларлардан зиёд озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Сўнгги йилларда ташқи бозорга йўналтирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уч баробардан ошди. Мамлакатимиз саксондан ортиқ давлатга 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилаётир. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторида туради.

– Ўзбекистон мевалари лаззатли таъми билан алоҳида ажралиб туради, – дейди Жанубий Кореянинг “NK Globalnet” компанияси бош ижрочи директори Шин Кюнг Хун. – Компаниямиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга ихтисослашган. Мазкур соҳада катта салоҳиятга эга Ўзбекистон жаҳон бозорини юксак сифатли маҳсулотлари билан кенг эгалламоқда. Биз ҳам мамлакатингизда етиштириладиган мева-сабзавотларни севиб истеъмол қиламиз. Ғоят тотли мевалари-нгиздан Жанубий Корея аҳолисини ҳам бахраманд этиш мақсадида Ўзбекистоннинг “GDF” корхонаси билан гилос импорт қилиш бўйича шартнома имзоладик. Келгусида мамлакатингиздан бошқа турдаги мева-сабзавотларни ҳам импорт қилишни режалаштирганмиз.

Енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Чунончи, илгари хорижий давлатлар юртимиздан пахтани сотиб олиб, уни қайта ишлаб, сўнг тайёр маҳсулот ҳолида ўзимизга бир неча баробар қимматга пуллар эди. Истиқлол шарофати билан юртимизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, уни жаҳон бозорига таклиф этиш ва дунё тадбиркорлари билан тенг рақобатлашиш имконига эга бўлдик.

“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти маълумотларига кўра, бугун ташкилот таркибида уч юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 250 дан ортиғи экспортчи корхоналардир. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотлари Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларига етказиб берилаётир. Ўтган йили қиймати бир миллиард доллардан зиёд енгил саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Ушбу маҳсулотлар соҳа корхоналарининг турли давлатларда жойлашган дилерлик бўлимлари орқали ҳам экспорт қилинмоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингида Ўзбекистон 5-ўринни эгаллагани мамлакатимиз иқтисодий қудрати изчил мустаҳкамланиб бораётганининг халқаро эътирофи бўлди. Ушбу ҳисоботда Ўзбекистоннинг замонавий бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётгани ижобий баҳоланган. Мамлакатимиз пахта, нефть-газ ва кимё маҳсулотлари экспорти бўйича жаҳонда юқори ўринларни эгаллаётгани қайд этилган.

Ҳа, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишга эришиши “танқислик” сўзини истеъмолдан бутунлай чиқариб ташлади, иқтисодий қарамликдан халос этди. Ғоят қисқа даврда турли тармоқларда, хусусан, иқтисодий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар самарасида халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилди. Энг асосийси, ўз маҳсулотларимизга эга бўлдик, уларни турли мамлакатларга экспорт қилмоқдамиз. Кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан барқарор ривожланиш бўйича ўтказилаётган рейтингларда Ўзбекистонимиз юқори ўринларни забт этаётгани халқимиз кечираётган обод ва фаровон ҳаётнинг амалдаги инъикосидир.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ЗУЛФИЯ ИЗДОШЛАРИ

Тошкент давлат стоматология институти 3-курс талабаси Шоҳида Зоҳидова болаликдан спортга ошно. У синхрон сузиш бўйича мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлиш Шоҳида каби кўплаб истеъдодли қизларимизни янги-янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган кунга бағишлаб ўтказилган “Бахтим шул ўзбекнинг Зулфиясиман!” деб номланган маънавий-маърифий тадбирда бу алоҳида қайд этилди. “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги иқтидорли талаба-ёшлар, вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маърупова, Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ёшлар, жумладан, қизлар истиқболи йўлида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, уларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан қамраб олиш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1999 йил 10 июнда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани истеъдодли қизлар сафини кенгайтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аъло ўқиши, интилиши, ижодий салоҳияти билан кўпчиликка ўрнак бўлаётган қизлар фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизлар ўқишда, жамоат ишларидаги катта ютуқлари, адабиёт, санъат, маданият, спорт, таълим соҳасидаги изланишлари учун тақдирланмоқда. Энг муҳими, мукофот мамлакатимизнинг минглаб қизларини янада фаол бўлишга ундаётир. Уларнинг ўқишда, бадиий ижодиёт, спортда зафарларга эришишида, Ватан келажаги, унинг эртанги куни учун масъулиятни астойдил ҳис этишида ўзига хос маёқ вазифасини ўтамоқда.

Ойхон Эркинжонова 1996 йили Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилган. Адабиётга меҳри баланд қиз она Ватан, истиқлолни ўз шеърларида тараннум этади. Унинг “Соғинч”, “Кичик қизнинг катта орзулари”, “Токи меҳр бор экан...” номли шеърий тўпламлари чоп этилган. Ёш шоира 2011 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган.

– Истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, тинч ва осуда юртда камолга етаётганимиздан бахтиёрмиз, – дейди ЎзА мухбирига Ойхон. – Билдирилган юксак ишончга, чексиз меҳр ва эътиборга муносиб бўлиш, яратилган имконият ва шароитларнинг қадрига етиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

Анжуманда ёшлар билан ишлашда, уларга мустақиллик ато этган имкониятларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда Зулфия издошларининг салоҳиятидан янада кенг фойдаланишга оид вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА

Мустақиллик йилларида маҳалла институти бутунлай янгича мазмун-моҳият касб этиб, ҳуқуқий мақомга эга бўлиб бормоқда.

Маҳалла – ҳаётимиз кўзгуси

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ мазкур органларнинг ваколатлари янада кенгайтирилди. Бугун маҳалла томонидан 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифалар ҳал этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунида сайловга тайёргарлик кўришдан бошлаб уни ўтказишгача бўлган жараён тартибга солинган. Шунга мувофиқ айни кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови барча қонунчилик меъёрларига мувофиқ тарзда муқобиллик асосида бўлиб ўтмоқда.

Мазкур сайлов жараёни ҳам юртимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий бир қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этмоқда.

Сергели туманида ҳам ушбу муҳим жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман ва шаҳар комиссиялари, ишчи гуруҳлар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Маҳаллаларда яшовчи фаол ва ташаббускор кишилар орасидан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатилди. Ҳар бир кўча, маҳалладан вакиллар йиғилишида иштирок этувчилар рўйхати шакллантирилди.

Тумандаги “Йўлдош” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган вакиллар йиғилишида 57 нафар сайловчи иштирок этди. Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган тўртта номзодга амалдаги тартиб асосида сўз берилди. Номзодлар ўз дастурлари билан сайловчиларни таништириб ўтдилар, хусусан ҳудудда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, кам харж, ёлғиз ва кўмакка муҳтож оилалар, кекса, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида сўз юритиб, берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра Нилуфар Пирматова “Йўлдош” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатилган 24 та номзод орасидан 12 нафари маслаҳатчиликка сайланди.

— Шу кунгача маҳалла фуқаро йиғини раиси бўлиб ишлаб келаётган Нилуфар Пирматовага ишонч билдирдик, — дейди маҳалла фаоли Абдуғаффор Мажидов. — У аҳолининг турмуш тарзи, ҳар соҳада бўлаётган ўзгаришлардан яхши хабардор. Ишонамизки, раисимиз келгусида бунданда фаол, ташаббускорлик ва ғайрат билан иш юритиб, маҳалламиз нуфузини кўтаришга муносиб ҳисса қўшади. Ахир аҳиллик бор жойда қут-барака, ишда унум бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ҳамда кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ ўтказилган саноат ярмаркасида иштирокчилар ўз маҳсулотларининг нафақат тақдимотини ўтказдилар, балки ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида техник инновациялар ва янгиликлар, иқтисодиётнинг барча соҳалари корхоналарининг ютуқлари билан танишган ҳолда, моддий-техник ресурслар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш имконига ҳам эга бўлдилар.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ҳудудий, тармоқлараро ва халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларининг ташкил этилишида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мазкур ҳудудий ярмарка бошқаларидан фарқли ўлароқ республикамизда саноати энг ривожланган ҳудудлардан бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг бирлаштирилган саноат потенциалини ифодалайди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 17,5 мингдан зиёд саноат корхоналари фаолият кўрсатиб, улардан қарийб 16,8 мингтаси ҳудудий тасарруфдаги корхоналар ҳисобланади. 2015 йил якунига кўра шаҳар ва вилоят корхоналарининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми 31,2 триллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришда ҳудудий корхоналарнинг улуши 48,5 фоизни, Тошкент шаҳрида 68 фоизни, саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши Тошкент шаҳрида 25,2 фоизни ва Тошкент вилоятида 31,5 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари доимий кўпайиб, ишлаб чиқариш диверсификацияси ошмоқда. Кичик ишлаб чиқаришнинг ривожланишида “Ўзавтосаноат”, “Ўзагросаноатмашхолдинг”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзбекчармпойабзал”, “Ўзфармсаноат” ва шу каби уюшма ва компанияларнинг йирик корхоналари билан кичик ишлаб чиқаришнинг саноат кооперацияси муҳим ўрин тутади.

Жорий йилда шаҳар ва вилоятнинг саноат потенциалини акс эттирувчи эксклюзив стендларда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилаётган ва ўзлаштирилиши таклиф этилаётган ҳамда ўзлаштирилган саноат маҳсулотлари намуналарини намойиш этаётган иштирокчи корхоналарнинг сони қарийб 400 тани ташкил этди. Тадбирда саноат ишлаб чиқаришнинг деярли барча тармоқлари, электротехника, металлургия, машинасозлик, қурилиш материаллари, фармацевтика, тиббиёт, озиқ-овқат ва қайта ишлаш, енгилсаноат, чарм-пойабзал, кимё, мебель, чинни, полиграфия ва бошқа маҳсулотлар намойиш қилинди. Шунингдек, инновацион технологиялар бўйича ишлаб чиқарилаётган ва кенг қўламдаги халқ истеъмоли маҳсулотлари, спорт товарлари ва болалар учун маҳсулотлар тақдим этилди. Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг жорий йилгисида 72 миллиард сўмлик шартномалар ва 100 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Ярмарка-биржага илгари импорт қилинган ва ҳудудий корхоналар томонидан ўзлаштирилган маҳсулотларни, жумладан GM, САМавто, MAN автомобиллари янги русумларига бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, кимёвий маҳсулотлар, энергиянинг муқобил манбалари, энергия тежовчи ускуналарни етказиб бериш учун шартномалар тузишга манфаатдор коммунал соҳа, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳа хўжалик субъектлари вакиллари ташриф буюрдилар.

Мамлакатимизда экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхоналарда харидоргир, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

– Корхонамизда бугунги кунда каратэ ва бокс кўлқоплари, бокс қоплари, юмшоқ матлар сингари жами 12 хилдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, – дейди “Sport’s production and trade” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Илҳом Нурматов. – Мазкур кўргазмада биринчи бор иштирок этишимиз, таассуротлар жуда катта. Юртимизда импортдан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани кишини қувонтиради. Соҳада эришилаётган ютуқлар, янгиликлар, янги технологиялар билан танишмоқдамиз. Бу каби ярмарка ва биржалар биз, тадбиркорларнинг бир-биримиз билан ҳамкорлик қилишимизда жуда қулай майдон бўлиб хизмат қилади.

Кўргазма доирасида саноат корхоналари томонидан бир қатор тақдимотлар ўтказилиб, тадбиркорлар турли номинациялар бўйича тақдирландилар.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ҳодимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи “ишонч телефони” тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.





Ёз — 2016



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ маҳаллалар қошида ташкил этилаётган спорт, ҳунармандлик, санъат тўгаракларида ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

БЎШ ВАҚТ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Яшнобод туманидаги "Беҳизор" маҳалла фуқаролар йиғинида дурадгорлик, тасвирий санъат, кураш, бокс, волейбол, стол тенниси тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тўгараклар ёзги таътил кунлари янада гавжум.

Ёш рассомлар тўгараги раҳбари Жасур Баҳодиров ёшларга рангтасвир, натюрморт, буюм безаш каби йўналишларда тасвирий санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Бу ўғил-қизларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жажжи қўлларида қалам тутган ўттиздан зиёд тўгарак аъзосининг машқлари бири-биридан фарқ қилади. Расмларнинг ранг-баранглиги болаларнинг дунёқараши, фикрлаши, тасаввури кенглигини кўрсатади.

Бир болага етти қўшни ота-она, деганларидек, маҳалла фаоллари хонадонлардаги маънавий муҳитни ўрганиб, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш баробарида, уларнинг фарзандларини тўгаракларга жалб этаётир.

Маҳаллада барпо этилган замонавий спорт майдонидаги машғулотлар ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайишига хизмат қилаётир. Айни вақтда бу ердаги тўққизта спорт тўгарагига тўрт юзга яқин ўғил-қиз қатнайди. Бу тўгараклар ишининг самараси ёшларнинг турли мусобақаларда эришаётган натижаларида намоён бўлмоқда.

– Спортнинг волейбол тури билан икки йилдан буён мунтазам шуғулланаман, – дейди ЎзА мухбирига ўн ёшли Иброҳим Мансуров. – Спортга қатнаётганимдан буён бўйим анча ўсди, ўзимни тетик ҳис этмоқдаман.

Тумандаги Аҳмад Яссавий номидаги, "Бирлашган", "Тарнов боши", "Янги қўрғон", "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган бисер тикиш, бичиш, пазандалик, чеварлик, попопчилик тўгаракларида ҳам маҳаллалар ёшлари фаол иштирок этиб келаётир. "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғинида ота-оналар ва ўқувчилар талаб-истаклари асосида инглиз тили ва компьютер саводхонлиги тўгаракларини йўлга қўйилди. Уларда бир юз йигирма ўғил-қиз шуғулланаётир.

Маҳаллаларда "Оила – жамиятимизнинг муҳим бўғини", "Оила – муқаддас даргоҳ", "Оила – Ватан остонаси", "Ватаним тақдири – менинг тақдирим" каби шиорлар остида маданий-маърифий тадбирлар, акциялар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Буларнинг бари ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғусини кучайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Спорт янгиликлари



ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда бутун республикада бўлгани каби пойтахтимизда ҳам замонавий спорт мажмуалари, маҳаллаларда спорт майдончалари бунёд этилмоқда. Аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маҳалла фаолларига катта масъулият юклайди. Анъанавий тарзда маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" республика мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилмоқда.

Олмазор туманидаги "Гузарбоши" маҳалласи ҳудудида жойлашган 11-умумтаълим мактабида "Футболимиз келажаги" спорт мусобақаларининг маҳаллалараро босқичида 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшли болалардан таркиб топган 10 та маҳалла футболчилари ўзаро куч синашишди.

— Юртимиз шарафини улуғлаб, хориж майдонларида Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтарадиган иқтидорли спортчилар, аввало, маҳаллада тарбия топади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Олмазор туман бўлинмасининг етакчи мутахассиси Ҳабибулла Алиев. — Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар ўртасида турли мусобақалар ташкил этиш орқали қизиқишларини рағбатлантириш бугун устувор йўналишга айланган. "Футболимиз келажаги" мусобақасида қатнашчилар сонининг йилдан йилга ортиб бораётгани жойларда унинг кўлами кенгайиб, ёшлар ўртасида миллионлар ўйини футболга қизиқиш кучаяётганидан далолат беради.

Қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлган баҳсларда 9-10 ёш тоифалари бўйича 1-ўринни Ҳ.Кўҳакий маҳалласи, 11-12 ёш тоифасида 1-ўринни "Аллон" маҳалла фуқаролар йиғинининг футбол жамоалари эгаллашган бўлса, 13-14 ёшдаги ҳаваскор футболчилар ўртасида Ҳ.Кўҳакий маҳалласи футбол жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

З.РАСУЛОВА

ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН ҚИЗ

Фарғона шаҳрида ўтган талаба-ёшларнинг "Универсиада – 2016" спорт мусобақаларининг теннис бўйича баҳсларида Сарвиноз Саидхўжаева барча рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани, замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фойдаланишга топширилаётгани навқирон авлод орасидан ана шундай иқтидорли спортчилар етишиб чиқишида муҳим омил бўлаётир.

Сарвиноз 1998 йили Фарғона шаҳрида спортчилар оиласида дунёга келган. Оиладаги спортга эътибор туфайли у ёшлигидан теннисга меҳр қўйди.

– Теннис бўйича мураббий бўлганим боис фарзандларимни мазкур спорт тури билан шуғуллантирганман, – дейди ЎзА мухбирига Собирхўжа Саидхўжаев. – Қизим ҳам беш ёшида теннисга қадам қўйди ва ушбу спорт тури билан шуғулланиб келмоқда.

Сарвиноз юртимизда яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, теннис бўйича шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда маҳорат оширди ва халқаро майдондаги илк ғалабасига 2011 йили Малайзияда ўтган халқаро турнирда эришди. Шундан сўнг кўплаб, нуфузли турнирларда муносиб иштирок этди. 2012 йилда Малайзияда ўтган мусобақада икки маротаба ғолибликни қўлга киритди, кўп карра Ўзбекистон чемпиони бўлди.

2015 йили ITF мусобақалари тақвимига кирувчи халқаро турнирларнинг жуфтлик баҳсларида иштирок этиб, бир неча бор совриндорлар қаторидан жой олди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди.

– Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этишга қаратилаётган эътибор юртимизнинг минглаб ёшлари каби қизимнинг ҳам саломатлигини мустаҳкамлашда, тафаккури, дунёқараши, ҳаёт тарзини тўғри шаклантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Сарвиноз онаси Барнохон Саидхўжаева. – Спорт қизимнинг иқтидорини кашф этди, уни юртимиз ва халқаро миқёсда танитди. Биз етолмаган орзуларимизга бугун фарзандларимиз эришмоқда.

– Халқаро мусобақаларда хориж-лик тенгдошларимнинг Ўзбекистон ёшларига катта ҳавас билан қараганини кўриб, ич-ичимдан қувонаман, – дейди Сарвиноз. – Президентимизнинг ёшларга юксак меҳр ва эътибори мени Зулфияхоним издошлари сафига қўшди. Келгусида халқимизнинг ишончини оқлашга, унга муносиб бўлишга астойдил интиламан.

Ўзбекистонлик ёш спортчилар Филиппин пойтахти Манила шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муносиб иштирок этди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мусобақанинг юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача полвонлар беллашувида II ўсмирлар олимпиадаси ғолиби Илҳом Баҳромов барча рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

55 килограммгача бўлган курашчилар ўртасида Жавоҳир Мираҳмедов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. 66 килограммгача вазн тоифасида Мирзобек Раҳматов ва 84 килограммгача вазн тоифасида Жалғасбай Бердимуродов учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган баҳсларда Нодира Собирова, Набира Есенбаева ва Бахтигул Болтаниёзова ўз вазн тоифасида бронза медаль билан тақдирланди.

Эркин кураш бўйича 55 килограммгача вазн тоифасида Ғуломжон Абдуллаев ва 60 килограммгача вазн тоифасида Темур Усмонохунов олтин медалга сазовор бўлди. Ўз вазн тоифасида Мажид Муродов ва Ҳасанбой Раҳимов кумуш, Шоҳрух Сапаев бронза медални қўлга киритди.

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

ЧОРАК ФИНАЛГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал ўйинларига қуръа ташланди.

Мазкур саралаш босқичида қитъамизнинг саккиз жамоаси икки минтақага бўлинган ҳолда иштирок этади. Ғарб минтақасида мамлакатимизнинг "Локомотив", Қатарнинг "Ал Жайиш", Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал Наср" ва "Ал Айн" жамоалари ўзаро баҳслашса, Шарқ минтақасида Хитойнинг "Шандонг Луненг" ва "Шанхай SIPG", Жанубий Кореянинг "Сеул" ва "Чонбук Моторс" жамоалари рақобатлашади.

Қуръа натижасига кўра, "Локомотив" чорак финалда "Ал Айн" жамоасига қарши майдонга тушади. "Ал Наср" ва "Ал Жайиш" ярим финал йўлланмаси учун ўзаро баҳслашадиган бўлди.

Шарқ минтақасида "Шандонг Луненг" ва "Сеул", "Чонбук Моторс" ва "Шанхай SIPG" ярим финал йўлланмаси учун ўзаро куч синашади.

Қоидага биноан Шарқ ва Ғарб минтақасида иштирок этаётган жамоалар финалга қадар ўзаро ўйин ўтказмайди. Ярим финалга чиқадиган жамоалар икки учрашув натижасига кўра аниқланади. Чорак финалнинг дастлабки учрашувлари 23-24 август кунлари, жавоб ўйинлари эса 13-14 сентябрь кунларига мўлжалланган.

"Локомотив" клуби дастлабки учрашувини 23 август куни сафарда, жавоб ўйинини 13 сентябрь куни ўз майдонида ўтказади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ота-она учун фарзандлари бахтию камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ.

* * *

**Тўғри сўзидан билинар,
Эгри кўзидан.**

* * *

Ўрнини билганнинг ҳурмати ўзи билан.

* * *

Нақд топилади, вақт топилмайди.

* * *

Кўп гапириб ҳеч ким обрў олмаган.

* * *

**Сафар одамни пиширади.
Суҳбат ақлни чархлайди.**

* * *

Замондан узилиб яшаб бўлмайди.

* * *

Одатда, ҳеч кимга ёрдами тегмайдиганлар ҳаммадан умидвор бўладилар.

* * *

Яхшиликни фақат яхши билади, ёмон яхшиликка ҳам ёмонлик қилади.

* * *

Фикр қанча қисқа бўлса, шунча таъсирли бўлади.

* * *

Бировнинг сири бошқага ҳамиша қизиқ туюлади.

* * *

Сафар кимнинг кимлигини билдиради.

* * *

Кимга сўз ҳам таъсир қилади, кимга тиғ ҳам таъсир қилмайди.

* * *

Меъёридан ошса, яхши нарса ҳам ёқмай қолади.

* * *

Ўзингни оқлашга ҳамиша баҳона топилади.

* * *

Ким ўйлаб яшайди, ким ўйнаб.

* * *

Пул топиш осон, дил топиш қийин.

* * *

Зиқнанинг егани юқмас.

* * *

Ақл мақсадга етказади.

* * *

Пала-партиш кишининг ишида барака бўлмайди.

* * *

Ҳар нарса ўз ўрнида иш беради.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***14 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 39-41 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***14 июнда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 20.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ